

Солиҳ туш | Сийрат дарслари (338-дарс)



19:00 / 25.07.2025 1681

715. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «**Нубувватдан башорат берувчилардан бошқа нарса қолмади**», деганларини эшитдим. «Башорат берувчилар нима?» дейишди. «**Солиҳ туш**», дедилар».

Бухорий ривоят қилган.

716. Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Албатта, рисолат ва нубувват кесилди. Мендан кейин расул ҳам, набий ҳам бўлмайди**», дедилар. Бу гап одамларга оғир келди. Шунда у зот: «**Лекин мубашширотлар бордир**», дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, мубашширотлар нима?» дейишди. «**Мусулмоннинг тушидир. У**

нубувватнинг жузларидан биридир», дедилар».

Термизий ва Ҳоким ривоят қилишган.

717. Абдуллоҳ ибн Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Тўқима ёлғоннинг энг каттаси кўрмаган нарсани «кўрдим» дейишдир»,** дедилар».

Бухорий ривоят қилган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.